



## DIAGNOSIS OF DETERMINATION OF THE LEVEL OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS IN THE PROCESS OF PROFESSIONALIZATION

Nematova Samiyakhon Ilhomjonovna

She is a teacher at the Namangan State Medical University

### Annotation:

This article is awarded to the retraining and advanced training of teachers of students.

**Keywords:** Professional development, Pedagogue, Listeners, Competition, Competence, Occupational Competence, Component, Motivation, Diagnostics, Experimental, Research, Modernization

Жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий – сиёсий, ижтимоий – мафкуравий ўзгаришлар ҳамда таълим ислоҳоти талаблари нуқтаи назаридан педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимиға ёндашадиган бўлсак, янгиланиш жараёнига жавоб бермаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Халқ таълими тизимида республиканинг барча ҳудудларида малака ошириш муассасалари ташкил этилган ва уларда фаолият кўрсатаётган педагогларни малака ошириш жараёнида андрогогик таълим бўйича жаҳон тажрибалари, тамойиллар, ёндашувлар, методикалар ва меъёрий асослари билан таъминлаш катта аҳамиятта эга.

Тадқиқот жараёнида биз томонимиздан малака ошириш тингловчиларининг касбий компетентлилигини такомиллаштириш бўйича амалдаги ҳолатини ўрганиш, маълумотларни таҳлил этиш, белгиланган хulosалар асосида умумий ҳолатга баҳо беришга йўналтирилган амалий фаолият олиб борилди.

Муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, малака ошириш курс тингловчисининг касбий-педагогик ривожланишида касбий компетенцияни шаклланганлик даражасини такомиллаштириш қўйидаги психологик ва педагогик шароитларда намоён бўлади:

- педагоглар таълим сифатини таъминлаш ва модернизациялаштириш учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш;
- ўқитувчининг олдига қўйилган мақсадлар ва ижобий натижаларга эришишни назарда тутадиган ҳиссий ва мотивацион жараёнларини фаоллаштириш;
- ўқитувчи нафақат тингловчи, балки фаол иштирокчи сифатидаги катталар таълими (андрагогика) хусусиятларини, қонуниятларини тушуниш борасидаги тайёргарликларини такомиллаштириш;
- педагогик вазифалар ва муаммоларни ҳал қилишда шахсий фаолиятни рефлексив таҳлил қилиш учун ўзини-ўзи ташкил этиш;
- касбий фаолият соҳасининг долзарб масалаларига бағишлиланган очиқ дарслар, мастер-класслар, семинар-тренинглар ва давра сухбатлари ташкил этиш ва модераторлик қилиш компетенция малакаларини ошириш.

Белгиланган психологик ва педагогик шароитлар касбий компетентликни ошириш бўйича педагогик тизимни ифодалаб, индивидуал тафовутларни, ҳар бир ўқитувчининг билиш услуги ва тажрибасини ҳисобга олади. Ўқитувчиларнинг касбий ўсишини таъминлайди. Шунингдек, орттирилган тажрибалар орқали аниқ вазиятларда фойдаланишини мақсад қиласиди ва педагогик фаолият жараёнида ўз-ўзини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Тажриба – синов ишлари орқали:



- ўқитувчи касбий компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув-методик таъминотдан фойдаланишнинг дидактик шарт-шароитлари ўрганилди;
- фаннинг илмий-методик масалалари таҳлил қилинди. Ўқитувчиларнинг фанни ўқитиш бўйича билиш жараёнини фаоллаштириш йўллари аниқланди;
- тадқиқот давомида яратилган инновацион методлар асосида тингловчиларнинг касбий компетентликни шаклланганлик даражалари тадқиқ этилиб, эксперимент натижалари ва уларнинг математик-статистик таҳлили кўрсатилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда асосий эътибор қуидагиларга қаратилди:

1. Педагогик кузатувни ташкил этиш;
2. Тадқиқ этилаётган муаммонинг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилганлик ҳолатини аниқлаш мақсадида сұхбатлар ташкил этиш;
3. Анкета ва тест сўровномаларини ўтказиш;
4. Малака ошириш курс тингловчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштирида аудиториядан ташқари машғулотлар мазмунини ташкил этувчи омилларни аниқлаш;
5. Муаммога доир манбаларни ўрганиш ва уларга доир омиллар ҳақида маълумотга эга бўлиш;
6. Малака ошириш курс тингловчилари ишторокида ўтказилган анкета ва сўровномалар натижасида тадқиқот фаолиятини янада бойитиш;
7. Малака ошириш курс тингловчиларида касбий компетентликни оширишда аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этишнинг метод ва воситаларини аниқлаш.

Малака ошириш ҳудудий марказлари таълим-тарбия жараёнидаги ижобий, илғор тажрибаларни ўрганиш тингловчи ва профессор-ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш ҳам тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш имконини берди.

Бизнинг педагог ходимлар касбий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишимиз 2018-2020 йилларда Наманган вилоят XTXҚТМОХМ, Андикон вилоят XTXҚТМОХМва Фарғона вилоят XTXҚТМОХ марказларида 457 та тингловчида тажриба-синов ишларидан ўтказилди (1- жадвал).

Тажриба-синов ишларига жалб этилган халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари тингловчилари сони 1- жадвал

№	Тажриба майдонлари	Синов гурӯҳи	Назорат гурӯҳи	Жами
1.	Наманган вилоят ХТХҚТМОХМ	110	106	216
2.	Андикон вилоят ХТХҚТМОХМ	46	73	119
3.	Фарғона вилоят ХТХҚТМОХМ	58	64	122
	Жами:	214	243	457

Тажриба-синов ишларига жалб этилган халқ таълими педагог кадрларининг 60% ни аёллар ташкил этиб, иштирокчиларнинг ёш кўрсаткичлари 28-50 ёш оралигини қайд этди.

Малака ошириш курс тингловчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш бўйича тажриба-синов иши учта асосий: таёргарлик-таъкидловчи, шакллантирувчива якуний босқични ўз ичига олди.

Педагогик экспериментнинг назарий асослари сифатида педагогларда психологик, педагогик ва методик адабиётлар таҳлили ўтказилди. Бизнинг тадқиқот жараёнида назария қоидаларига таянилди: таълим мазмуни назарияси хусусан шахснинг фаолиятга тайёрлик ҳолати муаммоси қўп олимлар томонидан тадқиқ қилинган жумладан, И.А.Зимняя[1],



А.К.Маркова[2], В.А.Сластенин[3], Н.А.Муслимов[4], Дж.Равен[5] ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Ўқитувчи касбий компетентлигини ривожлантиришда мотивацион компонент етарли даражада фаолликни таъминлаш учун зарур ҳисобланади. Бунда мотивларнинг ҳусусиятларини ҳисобга олиш, ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари ва қониқиш ҳосил қилиш даражасини аниқлаш, ўқитувчиларда узлуксиз малака оширишга бўлган ижобий мотивларни шакллантириш, педагогларда ўз фаолияти самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш кўникмаларини таъминловчи рефлексив ёндашувни жорий этиш муҳимдир. Мазкур компонент педагогик фаолиятда касбий компетентлиликни шакллантиради, касбий фаолиятни амалга оширадиган касбий аҳамиятга молик мотивларнинг долзарблигини акс эттиради, шахснинг касбий йўналишидаги ўз-ўзини такомиллаштиришга бўлган узлуксиз эҳтиёж даражасини ифодалайди.

Шу билан бирга “Касбий фаолиятта бўлган мотивацияни аниқлаш методикаси” (2-жадвал) орқали тингловчиларда педагогик фаолиятда касбий ўсишга интилиш, ўз касбий соҳасидаги компетенцияларни мустақил ривожлантириш, ўз-ўзини намоён қилишга бўлган мотивациялари аниқланди.

## 2-жадвал Касбий ривожланиш шкаласи

№	Касбий компетентлик сифатлари	Шкала кўрсаткичлари									
		10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
<b>1. Ижтимоий компетентлик</b>											
1)	ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўникма, малакаларига эгалик										
2)	касбий мулоқот ва хаттиҳаракат услубларини ўзлаштира олганлик										
<b>2. Шахсий компетентлик</b>											
1)	доимий равища касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш										
2)	касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чиқара олиш										
<b>3. Махсус компетентлик</b>											
1)	мустақил равища касбий педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш										
2)	одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри ҳал қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик										
3)	мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равища изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик										
<b>4. Технологик компетентлик</b>											
1)	касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илфор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгалик										
2)	замонавий дидактик восита-талар (техник воситалар, ўқув қуроллари)дан фойдаланиш малакасига эгалик										
<b>5. Экстремал компетентлик</b>											
1)	фавқулотда ҳолатларда (табиий оғатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чиққанда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										
2)	муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик										



Ўтказилган диагностик таҳлилларга кўра 457 нафар респондент иштироқидан 38 % тингловчида ижтимоий, 68 % шахсий, 59 % маҳсус, 47 % технологик, 35 % экстеримал компетентлилик юқори даражада шаклланганлиги аниқланди. Бу эса тажриба-синов ишимизда тингловчиларнинг қайси компетенцияларини такомиллаштиришга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича хулоса олишимизга асос бўлди.

Шундай қилиб, ҳар бир педагог олдида педагогик фаолиятнинг демократик усулини шакллантириш вазифаси туради. Компетентлиликнинг тақдим этилган тизими малака ошириш курс тингловчисининг касбий компетентлилигини ривожланишини таъминлайди. Бу ўқитувчининг юксак даражада билимларга эга бўлиши унда касбий компетенциянинг юқори даражада намоён бўлишига асос бўлади. Фаолиятнинг таклиф этилган шакл ва қўринишлари анъанавий шакллардан кескин ажралиб туради ва ўқитувчиларнинг ривожланиши ва ўз устида ишлашига бўлган рағбатни қучайтиради, касбий компетентлиликни ривожлантиришнинг сифат ва қўрсаткичларини сезиларли даражада ошишига имкон яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования//Экперимент и инновации в школе. 2009. №2.
2. Маркова А. К. Психологические критерии и ступени профессионализма учителя / А. К. Маркова // Педагогика. – 1995. – № 36. – С. 55–63.
3. Сластенин В.А, Чижакова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. - М.: Владос, 2005.- 282 с.
4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Пед.фан.док...дисс. -Т.: 2007. -315 б.
5. Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация Пер. с. анг. В.И. Белопольского. – М.: Когито-Центр, 292.– С.253